

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШАМУРАТОВА МАХИНБАНУ РАМЕТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ ВА ХЛОРИД
КИСЛОТАСИ АСОСИДА ЎҒИТЛИ ПРЕЦИПИТАТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of the Philosophy (PhD)

Шамуратова Махинбану Раметуллаевна

Марказий Қизилқум фосфоритлари ва хлорид кислотаси асосида
ўғитли преципитат олиш технологияси..... 3

Шамуратова Махинбану Раметуллаевна

Технология получения удобрильного преципитата на основе
фосфоритов Центральных Кызылкумов и соляной 21
кислоты.....

Shamuratova Makhinbanu Rametullaevna

Technology for obtaining fertilizer precipitate based on phosphorites of
Central Kyzylkum and hydrochloric acid..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ШАМУРАТОВА МАХИНБАНУ РАМЕТУЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ ВА ХЛОРИД
КИСЛОТАСИ АСОСИДА ЎҒИТЛИ ПРЕЦИПИТАТ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1759 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Намазов Шафаат Саттарович
техника фанлари доктори, проф., академик

Расмий оппонентлар:

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
техника фанлари доктори, доцент

Нурмуродов Тулқин Исамуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг «15» январь 2021 йил соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№22 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел.: (99861) 223-60-47. факс: (99861) 223-60-78.

Диссертация автореферати 2020 йил «30» «декабрь» куни тарқатилди.

(2020 йил «30» декабрдаги 4- рақамли реестр баённомаси).

Реймов А.М.

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Курбаниязов Р.К.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
т.ф.н., доцент

Туремуратов Ш.Н.

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда аҳоли сонини ортиб бориши туфайли уларни озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи тобора ўсиб бормоқда. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг зарур самарали йўлларида бири қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда кимёвий воситалардан, жумладан, минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш заруратидир. Минерал ўғитлар ўсимликларга зарур бўлган озуқа элементларини тўлдиришда ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайдиган воситалардир. Шу боис қишлоқ хўжалигини сифатли ўғитлар билан таъминлаш ва уларни ассортиментини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар хил вегетацион даврларида қўллашга мўлжалланган кенг ассортиментдаги фосфорли ўғитлар технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Бутун дунёда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё ҳисобланган сифатли фосфоритлар захираси сезиларли даражада камайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина давлатларда, жумладан Ўзбекистонда олимлар томонидан паст навли ва чиқинди фосфоритларни ҳар хил усуллар билан иккинчи фосфат хом ашёси сифатида технологияга жалб қилиш устида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Аммо таклиф қилинган технологияларда бир қанча камчиликлар мавжуд, жумладан кислота реагенти сифатида танқис сульфат кислотасини ишлатиш ҳисобланади. Шу сабабли, паст навли фосфоритларни каустик сода ишлаб чиқаришнинг чиқиндиси бўлган хлорид кислотаси билан қайта ишлаб юқори концентрацияга эга бўлган бирламчи фосфорли ўғит олиш технологиясини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Бу мақсад учун қуйидаги йўналишларда тегишли илмий-техник ечимларни асослаш зарур: фосфорит хом ашёсини хлорид кислотали қайта ишлаб ҳосил бўлган хлоридфосфаткислотали бўтқадан эримайдиган қолдиқни ажратмасдан ва ажратилган ҳолда концентранган бирламчи фосфорли ўғит – ўғитли преципитат олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда кенг миқёсда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва инновацион ишланмалар натижасида азот, фосфор ва калийли, шунингдек мураккаб ва органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда кузги шудгорда ёки ғўза ва бошоқли дон экинларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

экишдан олдин ва озиклантиришда зарур бўлган ўғитли преципитат олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бешта йўналишдаги Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда ва 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983 сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини кескин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда Қоратоғ ва Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларини нитрат, фосфат, сульфат кислоталари билан қайта ишлаш усули билан бирламчи фосфорли ва мураккаб ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг маълумотлар мавжуд (М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, Ш.С.Намазов, С.М.Таджиев, А.М.Амирова, Х.Ч.Мирзакулов, А.У.Эркаев, А.М.Реймов, А.Р.Сейтназаров, З.К.Дехқонов, И.Т.Шамшидинов, Р.Я.Якубов, М.М.Мирходжаев, Н.В.Волынскова, Б.Э.Султонов, И.И.Усманов, У.К.Алимов, Б.Б.Содиқов). Масалан, М.Т.Жураев, И.Т.Шамшидинов ва Х.Ч.Мирзакуловлар томонидан Қоратоғ ва Қизилқум фосфоритларидан камерали ва оқимли усуллар асосида кўш суперфосфат олиш жараёнини тадқиқот қилинган. Камчилиги кўш суперфосфат олишда сифатли фосфат хом ашёси ва концентранган фосфор кислотаси ишлатиш зарурияти мавжуд. С.А.Умаров томонидан 16-18% P_2O_5 тутган фосфорит уни, фосфор ва сульфат кислота аралашмалари асосида бойитилган суперфосфат (26% P_2O_5 , 3% N) олиш технологияси ишлаб чиқилган. Асосий камчилиги фосфор кислотасининг ишлатилиши, унинг юқори сарфи ҳамда эркин нордонликни синтетик аммиак билан нейтраллаш зарурияти туғилади. С.М.Таджиев томонидан оддий Қизилқум фосфорит уни ва ювиб қуритилган концентратни (18-19% P_2O_5) сульфат кислотали ишлов бериш йўли билан оддий суперфосфат олиш технологияси ишлаб чиқилган. Аммо олинган суперфосфат таркибида $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдори 12% дан ошмайди.

Бирламчи фосфорли ўғит синфига P_2O_5 миқдори оддий суперфосфатга қараганда анча юқори бўлган преципитат ўғити ҳам киради. С.Б.Мамажанов Қоратоғ ва Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотаси билан ишлов бериш асосида ўғитли ва озўқавий преципитатларини олиш технологиясини ишлаб чиққан. Аммо ҳозирги пайтда Қизилқум фосфорит комплексида олинаётган фосфоритда P_2O_5 , СаО ва эримайдиган қолдиқ миқдорлари мос равишда (% оғир): 16-17,5, 46-47 ва 8-9 га тенг. Кальций модули қиймати 2,75-2,8 ни ташкил қилади. Преципитат олиш жараёнида кислота сарфи, оралик

маҳсулотларнинг реологик хоссалари ва охирги маҳсулот таркиблари дастлабки хом ашё таркибига боғлиқдир. Демак, ишлаб чиқилган технологиялар ҳозирги таркибдаги фосфоритга жавоб бермайди. Б.Э.Султонов томонидан Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотаси ёрдамида кимёвий бойитиш жараёни батафсил ўрганилган.

Таъкидлаш лозимки, Қизилқум бойитилмаган ва бойитилган ҳамда чиқинди фосфоритлар мисолида концентранган бирламчи фосфорли ўғит – ўғитли преципитат технологиясини ишлаб чиқиш ҳозиргача ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-138 «Паст сифатли Марказий Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотали қайта ишлаш асосида ўғитли преципитат олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва ПЗ-20170926269 “Марказий Қизилқум фосфоритлари минераллашган массаси ва ювиб қурилган концентрати асосида бирламчи ва мураккаб фосфорли ўғитлар олишнинг ресурстежамкор ва юқори самарали технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Қизилқум турли хил фосфоритларини хлорид кислотаси билан қайта ишлаб юқори сифатли самарали бирламчи фосфорли ўғит – ўғитли преципитат олишнинг рационал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилқум фосфоритлари ва хлорид кислота асосида турли хил таркибга эга бўлган ўғитли преципитат олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

технологик кўрсаткичларнинг ўғитли преципитат сифатига таъсирини ўрганиш;

хлоридфосфаткислотали бўтқалардан эримайдиган қолдиқни ажратиб олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

хлоридфосфаткислотали аралашмаларни турли хил нейтралловчи моддалар билан нейтраллаш жараёнларини ўрганиш;

эримайдиган қолдиқ ажратиб олинмаган ва ажратиб олинган преципитатли бўтқа ва суспензияларнинг реологик хоссаларини тадқиқ этиш;

лаборатория модел ускунасида эримайдиган қолдиқ ажратиб олинмаган ва ажратиб олинган ҳолда ўғитли преципитат олиш жараёнларининг технологик параметрларини аниқлаш;

ҳар хил усуллар билан олинган ўғитли преципитатнинг физик-кимёвий хоссалари (сочилувчанлик, табиий қиялик бурчаги ва уйма оғирлик) ва товар хоссаларини ўрганиш ва тузли таркибини аниқлаш;

Қизилқум турли хил фосфорит хом ашёларидан эримайдиган қолдиқ ажратиб олинмаган ва ажратиб олинган ўғитли преципитат олишнинг технологик тизимини ишлаб чиқиш, моддий баланси ва техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш;

“Ammofos-Maxam” АЖ тажриба қурилмасида тавсия қилинаётган ўғитли преципитат олиш технологияларини синовдан ўтказиш орқали янги турдаги маҳсулотларнинг тажриба партиясини ишлаб чиқариш ва асосий технологик параметрларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минераллашган масса (ММ), оддий фосфорит уни (ОФУ), кимёвий бойитилган фосфорит концентрати (КБФК), ювиб қуритилган фосфорит концентрати (ЮҚФК), ювиб қуйдирилган фосфорит концентрати (ЮКФК), хлорид кислотаси, кальций карбонати, кальций оксиди, кальций гидроксиди, газсимон аммиак, хлоридфосфаткислотали бўтқа, преципитат суспензиялардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети МҚ турли хил фосфат хом ашёларини хлорид кислотаси билан парчалаш орқали олинган маҳсулотларни тўғридан-тўғри ва эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолда кальций гидроксид суспензияси билан нейтраллаб ўғитли преципитат олиш жараёнидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда кимёвий, физик-кимёвий ва рентгенофазали таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба МҚ турли хил фосфат хом ашёларини хлорид кислотаси меъёри ва концентрациясига боғлиқ равишда парчаланиш жараёнлари аниқланган;

хлорид кислотасининг меъёри, концентрацияси ва чўктирувчи моддаларнинг ўғитли преципитат сифатига таъсири аниқланган;

ювувчи сув миқдори ва унинг ҳароратининг ҳар хил усулда олинган ўғитли преципитат сифат кўрсаткичларига таъсири ва фосфат хом ашёлари учун умумий қонуниятлари аниқланган;

хлоридфосфаткислотали аралашмаларни ҳар хил нейтралловчи моддалар билан нейтраллаш жараёнлари асосланган;

эримайдиган қолдиқ ажратилмаган ва ажратиб олинган ҳолларда хлоридфосфаткислотали бўтқа ва преципитат суспензияларининг реологик хоссалари аниқланган;

хлоридфосфаткислотали бўтқалардан эримайдиган қолдиқни ажратиб олиш жараёнлари аниқланган;

ҳар хил усулларда билан олинган ўғитли преципитатнинг айрим физик-кимёвий ва товар хоссалари асосланган;

ҳар хил фосфат хом ашёдан эримайдиган қолдиқ ажратилмаган ва ажратиб олинган усуллар орқали ўғитли преципитат олишнинг материал оқими ҳисобланган ва технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори карбонатли МҚ фосфоритларини хлорид кислотаси билан парчалаш маҳсулотларидан тўғридан-тўғри ўғитли преципитат олишнинг мақбул шароитлари аниқланган ва принципиал технологияси ишлаб чиқилган;

ҳар хил фосфат хом ашёларни хлорид кислотаси билан парчалаш маҳсулотларидан эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолда

концентрланган фосфорли ўғит – ўғитли преципитат олишнинг мақбул шароитлари аниқланган ва принципиал технологияси ишлаб чиқилган.

Қизилқум фосфоритлари (ММ, ОФУ) ва хлорид кислотаси асосида эримайдиган қолдиқ ажратилмаган ва ажратилган ҳолатда ўғитли преципитат олиш технологиялари “Аmmofos-Махам” АЖ да синовдан ўтказилган ва янги турдаги маҳсулотларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари лаборатория тажрибалари, агрокимёвий ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳар хил фосфат хом ашёларини хлорид кислотасининг бир нечта концентрация ва меъёрларида парчалаш жараёнининг умумий қонуниятлари очиқ берилганлиги, парчалашнинг мақбул шароитларини ва эримайдиган қолдиқни ажратиш олиш жараёнларини тадқиқ этиш ҳамда гигроскопик нуқтаси юқори бўлган фосфорли ўғитлар олишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Қизилқум юқори карбонатли фосфоритларини каустик сода ишлаб чиқариши чиқиндисини ҳисобланган хлорид кислотаси билан парчалаш маҳсулотларини кальций гидроксиди билан тўғридан-тўғри нейтраллаш йўли билан ўғитли преципитат олинган, ундан ташқари парчалаш маҳсулотларидан эримайдиган қолдиқни ажратиш билан республика қишлоқ хўжалиги талабларига жавоб берадиган концентрланган ўғитли преципитатларни олишнинг рационал технологияси ишлаб чиқилган. Тавсия қилинган технологиялар тайёр маҳсулотда бир тонна P_2O_5 олиш учун сульфат ва фосфат кислотасини, аммиак каби қиммат дастлабки материаллар ва энергия сарфларини истисно қилишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий МҚ фосфоритлари хлорид кислотали парчала маҳсулотларидан тўғридан-тўғри ва эримайдиган қолдиқни ажратиш олинган ҳолатда концентрланган бирламчи ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

минераллашган массани хлорид кислотали парчалаш асосида эримайдиган қолдиқни ажратмасдан ўғитли преципитат олиш технологияси «Ўзкимёсаноат» АЖ нинг амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖ нинг 2020 йил 17 ноябрдаги 14-4484 сон маълумотномаси). Натижада шудгорда солишга яроқли бўлган бирламчи фосфорли ўғит олишга имкон берган;

маҳаллий фосфоритлар хлоридкислотали парчалаш маҳсулотларидан эримайдиган қолдиқ ажратиш билан ўғитли преципитат олиш технологияси «Ўзкимёсаноат» АЖнинг амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзкимёсаноат» АЖ нинг 2020 йил 17 ноябрдаги 14-4484 сон маълумотномаси). Натижада агрокимёвий самарадорлиги бўйича анъанавий фосфорли ўғитлардан қолишмайдиган фосфорли ўғит ассортиментини кенгайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, диссертациянинг (PhD) асосий илмий натижалари 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққияти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қизилқум фосфоритлари, уларни фосфор тутган оддий ва мураккаб ўғитларга қайта ишлаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида турли фосфат хом-ашёларининг тавсифи, фосфоритларни турли хил ўғитларга кислотали қайта ишлаш усуллари ҳамда уларни хлорид кислотали фосфор тутган ўғитларга қайта ишлаш имкониятлари таҳлил қилинган. Ушбу таҳлил бўйича хулосалар келтирилган. Илмий материални таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларини тавсифи ва тажрибаларни ўтказиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқ этилаётган фосфоритларнинг асосий таркиблари ва физик-кимёвий хоссалари, тажрибалар ўтказиш усуллари ҳамда олинган маҳсулотларни кимёвий таҳлил қилиш ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотали қайта ишлаб эримайдиган қолдиқни ажратиб олмасдан ўғитли преципитат олиш**» деб номланган учинчи бобида ўғитли преципитат сифатига технологик параметрларнинг таъсири, хлорид кислотали аралашмаларни турли хил нейтралловчи моддалар билан нейтраллаш жараёнлари, хлоридфосфат кислотали бўтқа ва преципитат суспензияларнинг реологик хоссалари, МК фосфорит уни, ММ ва ЮКФК ларни хлорид кислотали қайта ишлаш асосида ўғитли преципитат олишнинг материал оқими ва технологик схемаси келтирилган.

Лаборатория тадқиқотлари аввалида МК фосфорит рудаларини саралаш жараёнида ҳосил бўлган чиқинди - ММдан фойдаланилди. Бу фосфорит хом ашёсини парчалаш учун “NAVOIYAZOT” АЖ корхонасидаги каустик сода ишлаб чиқариш чиқиндиси бўлган хлорид кислотасидан фойдаланилди. Хлорид кислотанинг концентрацияси 25 дан 32% гача бўлган ораликда олинди. Хлорид кислотасининг фосфат хом ашёсидаги СаО га нисбатан стехиометрик меъёри 100% деб олинди. P_2O_5 ни $CaHPO_4$ кўринишда чўктириш учун $Ca(OH)_2$ ни меъёрлари стехиометрияга нисбатан 80, 90, 100 ва 110% олинди. ММ дан ўғитли преципитат олиш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвал натижаларидан кўринадикки, хлорид кислотасининг 25%-ли концентрациясидан фойдаланилганда чўктирувчини меъёри 80 дан 110% гача ортганда, ўғитли преципитат намуналарида P_2O_5 ва СаО ларнинг умумий миқдорлари мос равишда 23,49 дан 24,19% гача ва 25,13 дан 27,82% гача ортиши кузатилди. P_2O_5 ва СаО ларнинг сувда эрувчан (с.э.) шакллари эса мос равишда 1,87 дан 1,01% гача ва 1,48 дан 1,21% гача камаяди. Бу ҳолат чўктирувчи меъёри ортиши билан монокальцийфосфат трикальцийфосфатга ўтиши билан изоҳланади. Преципитат намуналардаги хлорнинг миқдори 0,90 дан 1,02% гача кўтарилиши кузатилди. Хлорид кислотани бошқа концентрацияларида ҳам юқоридагидек қонуниятлар кузатилади.


1-жадвал

Преципитатларнинг асосий кимёвий таркиби

Са(ОН) ₂ меъёри, %	Преципитатларнинг кимёвий таркиби, %						
	P_2O_5 умум.	2-%ли лим. кис- си бўйича P_2O_5 ўзл.	P_2O_5 с.э.	СаОумум.	2-%ли лим. кис-си бўйича СаОўзл.	СаОс.э.	Cl
Хлорид кислота концентрацияси – 25%							
80	23,49	20,68	1,87	25,13	22,49	1,48	0,90
90	23,81	20,96	1,51	26,19	23,44	1,35	0,93
100	23,96	21,09	1,22	26,97	24,14	1,24	0,96
110	24,19	21,29	1,01	27,82	24,90	1,21	1,02
Хлорид кислота концентрацияси – 30%							
80	23,40	20,83	1,92	25,16	22,59	1,50	0,90
90	23,66	21,06	1,54	26,20	23,52	1,37	0,94
100	23,79	21,15	1,25	27,51	24,70	1,27	0,97
110	24,01	21,38	1,04	28,05	25,18	1,26	1,05
Хлорид кислота концентрацияси – 32%							
80	23,32	20,83	1,99	25,20	22,70	1,56	0,95
90	23,52	21,01	1,59	26,31	23,70	1,41	1,00
100	23,63	21,10	1,28	27,59	24,85	1,32	1,03
110	23,84	21,29	1,08	28,41	25,59	1,30	1,10

Маълумки, хлоридфосфат кислотали суспензиялардан ўғитли преципитат олишда чўктирувчининг меъёри преципитатланиш даражасига муҳим таъсир кўрсатади. 1-расмда хлорид кислотанинг концентрациясига боғлиқ равишда


чўктирувчи меъёри преципитатланиш даражасига таъсири келтирилган. Ушбу натижалардан кўриниб турибдики, чўктирувчи меъёри ортиши билан преципитатлаш даражасининг кўтарилиши кузатилади.



1-расм. Хлоридфосфат кислотали суспензияларнинг преципитатлаш даражасининг чўктирувчи меъёрларига боғлиқлиги. HCl концентрацияси: 1 – 25%; 2 – 30% ва 3 – 32%.


Кислота концентрациясининг ортишида преципитатлаш даражаси 1,90-2,25% гача камаяди. Ушбу натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, хлорид кислотанинг барча концентрациялари ва чўктирувчини меъёри 100-110% бўлганда преципитатлаш даражасини 94,01-98,05% мақбул кўрсаткичлари деб ҳисоблаш мумкин. Мақбул кўрсаткичларда олинган ўғитли преципитатларнинг асосий таркиби қуйидагичадир (оғир.,%): $P_2O_{5\text{умум.}}$ –23,63-24,19; $CaO_{\text{умум.}}$ –26,97-28,41; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ –21,09-21,38; $CaO_{\text{ўзл.}}$ –24,14-25,59; $P_2O_{5\text{с.э.}}$ –1,01-1,22; $CaO_{\text{с.э.}}$ –1,21-1,32; Cl –0,96-1,10. Маълумки, ўғитли преципитат намуналарида кўп миқдорда кальций хлориди қолади ва бунинг натижасида олинган ўғитлар гигроскопик бўлиб қолади. Бу ҳолат ушбу турдаги ўғитлар сифат кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун кейинги тадқиқотларда ювувчи сув миқдори ва унинг ҳароратларининг ўғитли преципитатнинг кальций хлориддан ювилиш даражаларига таъсири ўрганилди. Нам преципитат намуналарини ювиш учун фосфорит : H_2O нисбатларида 1,0 : 1,0; 1,0 : 1,5; 1,0 : 2,0 ва 1,0 : 2,5 бўлган сув ишлатилди. Ушбу маълумотлар 2-расмда келтирилган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, сувнинг миқдори ортиши билан преципитатларнинг $CaCl_2$ дан ювилиш даражаси сезиларли даражада кўтарилади. ММ : H_2O = 1,0 : 1,0 нисбатда у 95,66% га (кислота концентрацияси 25% да) ва ММ : H_2O = 1,0 : 2,5 нисбатда эса 98,30% га тенг. Худди шундай ҳолат кислотанинг бошқа концентрацияларида ҳам кузатилади. Нам ҳолдаги ўғитли преципитатни

ювишда нафақат сувнинг миқдори, балки унинг ҳарорати ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, кальций хлориднинг сувда эрувчанлиги ҳароратга боғлиқ. Нам преципитатларни ювишда сувнинг ҳароратини 20-90°C оралиқда



2-расм. Преципитатни CaCl₂ дан ювилиш даражасига сув миқдорининг таъсири.

ва унинг миқдорини MM : H₂O = 1,0 : 1,5 ва 1,0 : 2,0 нисбатларда олиниб бир марта ювилди. 3 - расмда сув ҳароратининг преципитатни CaCl₂ дан ювилиш даражасига таъсири келтирилган. Бу маълумотлардан шу нарса кўриниб турибдики, сув ҳароратининг 20 дан 90°C гача кўтарилиши натижасида ўғитли преципитат намуналаридаги CaCl₂ нинг миқдори анча камаяди, яъни преципитатнинг CaCl₂ дан ювилиш даражаси сезиларли даражада ортади ва у MM : H₂O = 1,0 : 1,5 нисбатда 94,51 дан 96,24% гача ортади. MM : H₂O = 1,0 : 2,0 нисбатда эса 95,85 дан 97,83% гача кўтарилади. Бошқа турдаги ФХА лар ишлатилганда ҳам MM даги каби қонуниятлар кузатилади.



3-расм. Преципитатнинг CaCl₂ дан ювилиш даражасига сув ҳароратининг таъсири.

Кейинги тажрибаларда хлоридфосфат кислотали суспензияларни нейтраллашга чўктирувчиларнинг (CaCO₃, Ca(OH)₂, CaO ва NH_{3(газ)}) табиатларининг таъсири ўрганилди. Тажрибаларимизни аввалида турли хил

нейтралловчи моддаларни ММ асосида олинган хлоридфосфат кислотали суспензияларни нейтраллаш жараёнлари тадқиқ қилинди. Тажриба натижалари олинган ўғитли преципитат намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ ва $CaO_{\text{умум.}}$ ларнинг миқдори асосан чўктирувчилар ($CaCO_3$, $Ca(OH)_2$, CaO ва NH_3) табиатига боғлиқ. Масалан, хлорид кислотасининг 25%-ли концентрациясида ва чўктирувчиларнинг 100%-ли меъёрида чўктирувчилар $CaCO_3$ дан NH_3 гача ўзгарганда ўғитли преципитат намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ ва $CaO_{\text{умум.}}$ ларни миқдорлари мос равишда 22,24 дан 24,02% гача ва 25,26 дан 27,55% гача ўзгаради. Бундан ташқари P_2O_5 ва CaO ларнинг сувда эрувчан (с.э.) шакллари эса мос равишда 1,35 дан 1,14% гача камайиши ва 1,17 дан 1,25% гача ортиши кузатилади. $P_2O_{5\text{с.э.}}$ шаклини камайишини чўктирувчи меъёри ортиши билан монокальцийфосфат миқдори камайиши ва трикальцийфосфат миқдори ортиши билан изоҳлаш мумкин. Хлорид кислотасининг бошқа концентрацияларида ҳам ушбу қонуниятлар кузатилади.

Лаборатория тажриба натижалари энг мақбул чўктирувчилар сифатида $Ca(OH)_2$, CaO ва NH_3 ларни ишлатиш мумкинлигини кўрсатди. Мақбул шароитда олинган ўғитли преципитат намуналарини асосий таркиби куйидагичадир (оғир., %): $P_2O_{5\text{умум.}}$ –23,63-24,29; $CaO_{\text{умум.}}$ –25,26-27,85; $P_2O_{5\text{ўзл.}}$ –20,62-21,38; $CaO_{\text{ўзл.}}$ –21,67-25,26; $P_2O_{5\text{с.э.}}$ –1,14-1,28; $CaO_{\text{с.э.}}$ –1,12-1,32; Cl –0,96-1,26; преципитатлаш даражаси 96,0-100,0% ораликда бўлади.

Кейинги тажрибаларда эса ўғитли преципитатлар олиш учун таркибида озуқа компоненти (P_2O_5) ММ га қараганда кўпроқ бўлган бошқа ФХАлари (ОФУ, КБФК, ЮҚФК ва ЮКФК) ишлатилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўғитли преципитатларни сифат кўрсаткичларига чўктирувчиларнинг табиати сезиларли даражада таъсир этади. Ушбу қонуниятлар барча турдаги ФХА ларда ҳам кузатилади.

ММ ва бошқа турдаги ФХА лардан ўғитли преципитатлар олишда муҳокамаларларни умумлаштириб куйидаги хулосаларга келиш мумкин: барча турдаги фосфат хом ашёсидан ўғитли преципитат олишда чўктирувчиларни табиати муҳим роль ўйнайди; преципитат намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ нинг миқдори $CaCO_3$ дан $NH_{3\text{газ.}}$ га ўтганда сезиларли даражада ортади; ҳамда $Ca(OH)_2$, CaO ва $NH_{3\text{газ.}}$ лар энг мақбул чўктирувчилар деб ҳисоблаш мумкин. Хлорид кислотасининг барча концентрациялари ва чўктирувчиларнинг барча меъёрлари ҳам мақбул кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Ўтказилган лаборатория тажрибалари асосида ММ, ОФУ ва ЮКФК ларни, хлорид кислота иштирокида парчалаб ўғитли преципитат олишнинг принципиал технологик тизими таклиф этилди.

Диссертациянинг «Минераллашган масса, фосфорит уни, ювиб қуритилган ва ювиб куйдирилган фосфоконцентратдан эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолда ўғитли преципитат олиш» деб номланган тўртинчи бобида хлоридфосфаткислотали суспензиялардан эримайдиган қолдиқни ажратиб олиш, хлоридфосфаткислотали эритмаларни преципитатлаш жараёнлари, турли усуллар билан олинган ўғитли преципитатларнинг физик-кимёвий тадқиқлари, лаборатория модел


ускунасида эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолда ўғитли преципитатлар олишнинг синов натижалари, МК ММ, ОФУ ва ЮКФК лар асосида эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолда ўғитли преципитат олишнинг материал оқими ва технологик схемаси, шунингдек Қизилқум фосфоритлари асосида ўғитли преципитат ишлаб чиқаришнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Маълумки турли фосфат хом ашёларидаги эримайдиган қолдиқ миқдори ҳар хил бўлиб, у ММ, ОФУ, ЮКФК ва ЮКФКлар учун мос равишда 10,82; 4,85; 2,49 ва 6,88% га тенгдир. Эримайдиган қолдиқни ажратиш бўйича лаборатория тажрибалари ўтказилди. Эримайдиган қолдиқни (ЭҚ) ювиш учун ФХА : $H_2O = 1,0 : 0,1; 1,0 : 0,2; 1,0 : 0,3; 1,0 : 0,4; 1,0:0,5$ ва $1,0:0,6$ нисбатда олинган ва ҳарорати $80-90^{\circ}C$ бўлган сувдан фойдаланилди. ЭҚ сув билан бир ва икки марта ювилди. Тажрибаларимиз аввалида ММ дан фойдаланилди. Олинган эксперимент натижалари сув миқдорининг ортиши билан, яъни ММ : H_2O нисбати камайиши натижасида эримайдиган қолдиқ таркибидаги эрувчан компонентларнинг миқдорлари камайиб боришини кўрсатди. Масалан, бир босқичли ювишда сувнинг ҳарорати $80^{\circ}C$ бўлганда ММ : H_2O нисбати $1,0 : 0,1$ дан $1,0 : 0,6$ гача ўзгарганда $P_2O_{5\text{умум.}}$, $CaO_{\text{умум.}}$ ва Cl ларнинг миқдорлари мос равишда 8,80 дан 5,89% гача, 19,24 дан 12,69% гача ва 5,21 дан 3,58% гача камайиши кузатилди. Ушбу ҳолат сувнинг ҳарорати $90^{\circ}C$ бўлганда эса $P_2O_{5\text{умум.}}$, $CaO_{\text{умум.}}$ ва Cl лар мос равишда 8,68 дан 5,79% гача, 18,65 дан 13,82 % гача ва 5,14 дан 3,57% гача камайди. Ушбу ҳолат икки босқичли ювишда қуйидагича бўлади: $P_2O_{5\text{умум.}}$, $CaO_{\text{умум.}}$ ва Cl лар мос равишда 7,80 дан 5,11% гача, 16,25 дан 12,01% гача ва 4,25 дан 2,58% гача камайди (сувнинг ҳарорати $80^{\circ}C$) ҳамда 7,69 дан 5,05% гача, 16,04 дан 11,86% гача ва 4,18 дан 2,55% гача камайди (ювувчи сувнинг ҳарорати $90^{\circ}C$). Сувнинг ҳароратлари 80 ва $90^{\circ}C$ бўлганда бир ва икки босқичли сув билан ювилганда эрувчан компонентларнинг миқдорлари камайиши бир-бирига яқинлиги кузатилди.

Эримайдиган қолдиқ таркибидаги SiO_2 ; Al_2O_3 ; Fe_2O_3 ва SO_3 ларнинг (мос равишда SiO_2 ; $AlPO_4$; $FePO_4$ ва $CaSO_4$ шаклда) миқдорлари сувнинг миқдори ортиши билан кўпаяди. Умумий ҳолда ушбу қонуниятлар барча турдаги ФХАларда олинган ЭҚларда кузатилади, аммо улардаги $P_2O_{5\text{умум.}}$, $CaO_{\text{умум.}}$ ва Cl ларнинг қийматлари ФХА турига қараб турлича бўлади. Хлоридфосфаткислотали эритмаларни преципитатлаш жараёнларига рН муҳитининг таъсири 4-расмда келтирилган. Ушбу натижалардан шуни кузатиш мумкинки, эримайдиган қолдиқ ажратиб олинган хлоридфосфат кислотали эритмалар рН муҳитининг кўтарилиши билан, яъни нейтралловчи моддаларни миқдори ортиши натижасида преципитатланиш даражалари кўтарилади. Бундан ташқари преципитатли суспензияларни филтрланиш тезликлари барча ФХАлар учун катта қийматларга ($1000-1200 \text{ кг/м}^2 \cdot \text{соат}$) эга.

Олинган натижалардан шундай хулосаларга келиш мумкин: фосфат хом ашёлари таркибига қараб олинган преципитат намуналаридаги $P_2O_{5\text{умум.}}$ миқдорлари ва преципитатланиш даражалари 1-2% гача фарқ қилади; нисбий ўзлашувчан шакллари миқдорлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди;

NH_3 газ. билан қўшимча нейтралланганда преципитатланиш даражалари барча хом ашёлари учун 100% га тенг бўлади, яъни P_2O_5 исроф бўлишига барҳам берилади.



4-расм. Хлоридфосфат кислота эритмалар рН ининг преципитатланиш даражасига таъсири: 1-ММ; 2-ОФУ; 3-ЮҚФК ва 4-ЮКФК.

Кейинги тажрибаларда сув миқдори ва унинг ҳарорати эримайдиган қолдиқ ажратиб олинган хлоридфосфаткислота эритмалари асосида олинган преципитат намуналар сифатига таъсир этиши ўрганилди. Тажрибаларимиз учун ММ дан фойдаланилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган. Жадвал натижаларидан кўришиб турибдики, HCl нинг 25%-ли концентрациясида ММ : H_2O нисбатни 1,0 : 1,0 дан 1,0 : 2,5 гача ортишида, ўғитли преципитат намуналаридаги $\text{P}_2\text{O}_{5\text{сумум}}$ нинг миқдори 32,96 дан 34,25% гача кўтарилиши кузатилди, $\text{CaO}_{\text{с.э.}}$ ва хлорнинг миқдори эса мос равишда 2,51 дан 1,16% гача ва 2,02 дан 0,75% гача камайди. Нам преципитат намуналарининг CaCl_2 дан ювилиш даражаси 94,01 дан 98,96% гача кўтарилиши кузатилди. Бу ҳолат хлоридфосфаткислотали бўтқалардан эримайдиган қолдиқ ажратиб олингандан кейин олинган эритмаларни нейтраллаш натижасида ҳосил бўлган преципитатли суспензияларнинг филтрланиш тезлигининг ортиши билан изоҳланади. Тажриба натижаларидан кўришиб турибдики, нам маҳсулотдан кальций хлориднинг ювилиши натижасида ўғитли преципитат намуналар сифати бир мунча яхшиланади. Худди шундай ҳолат хлорид кислотанинг бошқа концентрацияларида ҳам кузатилади.

Фосфат хом ашёсининг сувга мақбул нисбати (ММ : H_2O) 1,0 : 1,5 ва 1,0 : 2,0 бўлиб ҳисобланади. Бундан паст нисбатларда нам преципитат намуналарини CaCl_2 дан ювилиш даражаси HCl концентрациясига боғлиқ равишда 93,17-94,01% ораликда бўлади.

5-расмда эса сув ҳароратининг преципитат намуналарини CaCl_2 дан ювилиш даражасига таъсири келтирилган. Расм натижалардан кўриниб турибдики, сувнинг ҳарорати 20 дан 90°C гача ортганда преципитат намуналаридаги кальций хлорид миқдорлари сезиларли даражада камаяди.

2-жадвал

ММ асосида олинган преципитатларни асосий кимёвий таркиби, %

Таж-ри-ба ра-қами	ММ : H_2O нисбати	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$	2-%ли лим. кис-си бўйича $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$	$\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э.}}$	$\text{CaO}_{\text{умум.}}$	2-%ли лим. кис-си бўйича $\text{CaO}_{\text{ўзл.}}$	$\text{CaO}_{\text{с.э.}}$	Cl	Преципитатнинг CaCl_2 дан ювилиш даражаси, %
Хлорид кислота концентрацияси – 25%									
1	1,0:1,0	32,96	28,97	2,32	34,37	30,89	2,51	2,02	94,01
2	1,0:1,5	34,19	30,08	2,07	34,51	30,93	1,79	1,23	98,09
3	1,0:2,0	34,72	30,61	1,67	34,95	31,23	1,45	0,86	98,64
4	1,0:2,5	34,25	30,24	1,44	35,00	31,25	1,16	0,75	98,96
Хлорид кислота концентрацияси – 30%									
5	1,0:1,0	33,27	29,35	2,77	34,73	31,25	2,86	2,24	93,90
6	1,0:1,5	33,98	30,02	2,29	35,33	31,74	1,84	1,46	97,64
7	1,0:2,0	34,51	30,54	1,73	35,54	31,89	1,65	1,12	97,95
8	1,0:2,5	34,79	30,82	1,59	35,59	31,84	1,36	0,93	98,48

Масалан, ММ : H_2O = 1,0 : 1,5 нисбатда ҳарорат 20 дан 90°C гача кўтарилиши натижасида преципитатларни кальций хлориддан ювилиш даражаси 94,16 дан 97,19% гача ортиши кузатилади. ММ : H_2O = 1,0 : 2,0 нисбатда ювилиш даражаси 95,71 дан 97,90% гача ортиши кузатилади. Ювувчи сувнинг ҳарорати 80 ва 90°C лардаги преципитатларни CaCl_2 дан ювилиш даражаси бир-бирига яқин. Мақбул шароитда олинган ўғитли преципитат намуналарининг асосий таркиби қуйидагича ўзгаради (оғир., %): $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}$ 34,02 дан 34,72 гача; $\text{CaO}_{\text{умум.}}$ 35,55 дан 35,86 гача; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл.}}$ 30,21 дан 30,89 гача; $\text{CaO}_{\text{ўзл.}}$ 32,07 дан 32,28 гача; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э.}}$ 1,76 дан 2,53 гача; $\text{CaO}_{\text{с.э.}}$ 1,69 дан 2,14 гача; Cl 1,07 дан 1,55 гача ва преципитатларни CaCl_2 дан ювилиш даражаси 97,12-97,90% га тенг. Бошқа турдаги ФХА ларда шундай қонуниятлар кузатилади ва ФХА : H_2O = 1,0 : 1,5 ва 1,0 : 2,0 нисбатларни барча турдаги ФХА лардан олинган нам преципитатларни CaCl_2 дан сув ювишнинг мақбул нисбатлари деб ҳисоблаш мумкин.

Кейинги тадқиқотларда турли усуллар билан олинган ўғитли преципитатларнинг физик-кимёвий ва товар хоссалари ўрганилди. Эримайдиган қолдиқ ажратиб олинмаган ва олинган усуллар асосида турли фосфоритлардан фойдаланган ҳолда олинган ўғитларнинг гигроскопик нуқталари 70,50-72,90% нисбий ҳаво намлигини ташкил қилади. Ўғитли преципитат намуналарининг сочилувчанлиги 5,1-5,8 балл оралиғида бўлади. Уларнинг табиий қиялик бурчаклари ва уярма оғирлиги мос равишда $36,6-38,8^\circ$ ва 0,512-0,531 г/см³ оралиғида бўлади. Ўғитларнинг товар хоссалари

ажратмасдан олинган ўғитли преципитатнинг 1 тонна таннархи мос равишда 1763352 ва 1956426 сўм ташкил қилади. Ушбу фосфорит хом ашёлардан эримайдиган қолдиқни ажратилган ҳолда олинган ўғитли преципитатлар таннархи эса мос равишда 2455485 ва 2660599 сўмга тенг. “Farg’onaazot” ва “NAVOIYAZOT” АЖ ларида олинаётган оддий суперфосфат таннархи 1052000 сўмни ва ундаги 1 тонна 100 %-ли P_2O_5 таннархи 8766667 сўмни ташкил қилади. Биз таклиф қилаётган ММ ва ОФУ асосида эримайдиган қолдиқни ажратилган ва ажратмасдан олинган ўғитли преципитатларнинг таркибидаги 1 тонна 100 %-ли P_2O_5 таннархи 7331995-7453051 сўмга тенг. Демак, ўғитли преципитатлардаги 1 тонна 100 %-ли P_2O_5 таннархи оддий суперфосфатга солиштирилганда 1313616 дан 1434672 сўмгача арзон бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация иши бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагича:

1. Марказий Қизилқум турли хил фосфоритларини (ММ, КБФК, ОФУ, ЮҚФК, ЮКФК) хлорид кислотаси билан ишлов бериш натижасида ҳосил бўлган хлоридфосфаткислотали бўтқани эримайдиган қолдиқни ажратмаган ҳолда $CaCO_3$, $Ca(OH)_2$, CaO ва NH_3 билан нейтраллаб ўғитли преципитат олиш жараёни тадқиқ қилинди. Лаборатория тадқиқот натижалари асосида ўғитли преципитат олиш жараёнининг қуйидаги мақбул шароитлари аниқланди: хлорид кислотаси концентрацияси 25-32%; нейтралловчи (чўктирувчи) моддалар турлари $Ca(OH)_2$, CaO , NH_3 ва уларнинг меъёри 100-110%; намли преципитатни кальций хлоридидан 80-90°C ли сув билан ювишда фосфоритнинг сувга оғирлик нисбати 1 : (1,5-2,0). Чўктирувчи моддаларнинг турига боғлиқ ҳолда ММ, КБФК, ОФУ, ЮҚФК ва ЮКФК асосида олинган ўғитли преципитатлар таркиблари мос равишда қуйидагича ораликда ўзгаради (оғир., %): $P_2O_{5\text{умум}}$ 23,63-24,30; 26,50-26,92; 29,0-29,68; 30,38-30,67 ва 29,24-29,55; $P_2O_{5\text{ўзл}}$ 20,62-21,36; 22,68-22,82; 25,10-25,98; 25,96-26,12 ва 24,99-25,09; $P_2O_{5\text{с.э}}$ 1,12-1,34; 0,95-1,11; 1,40-1,52; 1,16-1,28 ва 1,16-1,23; $CaO_{\text{умум}}$ 25,26-27,95; 29,16-29,45; 32,22-33,92; 33,05-33,72 ва 32,0-32,45; $CaO_{\text{с.э}}$ 1,12-1,35; 1,21-1,33; 1,47-1,64; 1,40-1,51 ва 1,36-1,48; Cl 0,96-1,29; 1,05-1,17; 1,17-1,42; 1,20-1,27 ва 1,12-1,22.

2. Қизилқум фосфоритлари ва ҳар хил концентрацияли хлорид кислотаси асосида олинган хлоридфосфаткислотали бўтқалар ва нейтралланган преципитатли суспензияларнинг реологик хоссалари 30-60°C оралиғида ўрганилди. Зичлик ва қовушқоқликларнинг температурага ва $НСl$ концентрацияга боғлиқлиги ҳажмли номограмма сифатида ифода этилди. Хлорид кислотасининг концентрацияси 25-32% бўлганда бўтқаларнинг оқувчанлигини ошириш мақсадида уларга фосфорит : H_2O = 1 : (3,8-4,0) оғирлик нисбатда сув қўшиш тавсия этилади.

3. Хлоридфосфаткислотали бўтқалар таркибидан эримайдиган қолдиқни филтрлаш усули билан ажратиб олиш ва уларни фосфорит : H_2O = 1 : (0,1-0,6) оғирлик нисбатларда 80-90°C ли ҳароратли сув билан ювиш

жараёнлари тадқиқ қилинди. Эримайдиган қолдиқ намуналарининг кимёвий таркиблари SiO_2 , Al_2O_3 , Fe_2O_3 , SO_3 , P_2O_5 ва CaO компонентлардан ташкил бўлганлиги аниқланди. Эримайдиган қолдиқни ажратиб олинган ҳолатда олинган ўғитли преципитатларнинг таркиби дастлабки фосфорит хом ашёсининг турига қараб қуйидагига ўзгаради (оғир., %): $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$ 32,07-38,50; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$ 28,86-33,98; $\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э}}$ 1,35-2,98; $\text{CaO}_{\text{умум}}$ 32,87-43,77; $\text{CaO}_{\text{ўзл}}$ 30,24-38,95; $\text{CaO}_{\text{с.э}}$ 1,61-2,69; Cl 1,50-1,96. Преципитатланиш даражаси 95,01-100,0%.

Ўғитли преципитатлар қайси фосфат хом ашёсидан олинганидан қатъий назар яхши физик-кимёвий ва товар хоссалари эга. Гигроскопик нуқталари 71-73% нисбий ҳаво намлигига, сочилувчанлиги эса 5,2-5,8 баллга тенг. Табiiй қиялик бурчаклари ҳамда уярма оғирликлари мос равишда $36,6-38,6^\circ$ ва $0,512-0,529 \text{ г/см}^3$ ни ташкил қилади.

ММ, ОФУ ва ЮКФК асосида олинган ўғитли преципитатларнинг моддий баланслари ва уларни ягона циклда ишлаб чиқаришнинг технологик тизимлари тавсия этилган.

4. Рентгенофазали анализ ёрдамида мақбул шароитда олинган ўғитли преципитатларнинг тузли таркиблари аниқланди. Ўғитлар таркибларини асосан $\text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$, кварц (SiO_2), MgHPO_4 , кальций силикати (Ca_2SiO_4), флюрит (CaF_2), AlPO_4 , FePO_4 , CaCl_2 ва эримайдиган қолдиқ ташкил қилади.

5. “Аммофос-Махам” АЖ тажриба қурилмасида минераллашган массадан эримайдиган қолдиқ ажратилмаган ва ажратилган ҳолатларда ўғитли преципитатлар олиш технологиялари синовдан ўтди, асосий технологик параметрлари аниқланди ва янги турдаги ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқилди. Техник-иқтисодий ҳисоблар кўрсатдики, ММ ва ОФУ асосида олинган ўғитлар таннархи эримайдиган қолдиқни ажратилган ва ажратилмаган усулларга боғлиқ қолда 1763352 дан 2660599 сўмгача бўлади. Ўғитли преципитатлардаги 1 тонна 100 % P_2O_5 таннархи оддий суперфосфатга солиштирилганда 1313616 дан 1434672 сўмгача арзон бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ШАМУРАТОВА МАХИНБАНУ РАМЕТУЛЛАЕВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ УДОБРИТЕЛЬНОГО ПРЕЦИПИТАТА
НА ОСНОВЕ ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ И
СОЛЯНОЙ КИСЛОТЫ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.2.PhD/Т1759 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.karsu.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:	Намазов Шафаат Саттарович доктор технических наук, профессор, академик
Официальные оппоненты:	Каипбергенов Атабек Тулепбергенович доктор технических наук, доцент Нурмуродов Тулқин Исамуродович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита состоится «15» января 2021 г. в «15⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г.Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: karsu_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за №22. Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, дом 1. Тел.: (99861) 223-60-78.

Автореферат диссертации разослан «30» декабря 2020года (реестр протокола рассылки № 4 от «30» декабря 2020года.

Реймов А.М.

Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Курбаниязов Р.К.

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Туремуратов Ш.Н.

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В настоящее время из-за растущего числа населения мира и их потребность в продовольствии постоянно растет. Одним из наиболее эффективных способов решения этой проблемы при повышении урожайности сельскохозяйственных культур является необходимость эффективного использования химических средств, в том числе минеральных удобрений. Минеральные удобрения играют важную роль в восполнении необходимых растениям питательных элементов, а также в повышении плодородия почвы. Поэтому важно обеспечить сельское хозяйство качественными удобрениями и увеличить их ассортимент. Большое значение в этом направлении имеет разработка и внедрение в практику широкого ассортимента фосфорных удобрений, предназначенных для применения в различные вегетационные периоды сельскохозяйственных культур.

Запасы качественного фосфорита, являющегося основным сырьем для производства фосфорных удобрений во всем мире, значительно снижаются. Поэтому во многих странах, в том числе в Узбекистане, учеными проводятся исследования по привлечению низкосортных и отходных фосфоритов различными способами в качестве вторичного фосфатного сырья. Но в предложенных технологиях имеются ряд недостатков, в том числе использование дефицитной серной кислоты в качестве кислотного реагента. Поэтому актуальным вопросом является создание технологии получения односторонних фосфорных удобрений с высокой концентрацией питательных веществ путём переработки низкосортных фосфоритов с соляной кислотой, являющейся отходом производства каустической соды. Для этой цели необходимо обосновать соответствующие научно-технические решения: разработка технологии получения одностороннего удобрения – удобрительного преципитата без выделения и с выделением нерастворимого остатка из хлориднофосфатнокислотной пульпы, образующейся при переработке фосфоритового сырья соляной кислотой.

В Республике на основе реализации широкомасштабных мероприятий и инновационных разработок достигнуты существенные результаты в области производства азотных, фосфорных и калийных, а также комплексных и органоминеральных удобрений. В третьем направлении Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, предусмотренной в 2017-2021 гг. отмечены важные задачи, направленные на «...развитие высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»¹. В связи с этим

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

целесообразно разработать технологию получения удобрительного преципитата необходимого как для внесения под зяблевую вспашку или перед посевом и подкормкой хлопка и зерновых культур путем использования местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII «Химические технологии и нанотехнологии».

